

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bani-Khalid T., Alshira'h A. F., Alshirah M. H. (2022). Determinants of Tax compliance intention among Jordanian SMEs: A focus on the theory of planned behavior. *Economics*, 10(2), 30. <https://doi.org/10.3390/economics10020030>
2. Cirman A., Pahor M., Starček S. (2021). Addressing evasion and tax morale by educating young taxpayers. *EDUvision38*.
3. Dom R., Custers A., Davenport S., Prichard W. (2022). Innovations in tax compliance: Building trust, navigating politics, and tailoring reform. *World Bank Publications*.
4. Feld L. P., Frey B. S. (2007). Tax compliance as the result of a psychological tax contract: The role of incentives and responsive regulation. *Law & Policy*, 29(1), 102–120. <https://doi.org/10.2139/ssrn.900366>
5. Kirchler E., Hoelzl E., Wahl I. (2008). Enforced versus voluntary tax compliance: The "slippery slope" framework. *Journal of Economic Psychology*, 29(2), 210–225. <https://doi.org/10.1016/j.jeop.2007.05.004>
6. Wahl I., Kastlunger B., Kirchler E. (2010). Trust in authorities and power to enforce tax compliance: An empirical analysis of the "slippery slope" framework. *Law & Policy*, 32(4), 383–406. <https://doi.org/10.1111/j.1467-9930.2010.00327.x>
7. Vincent O. (2021). Assessing SMEs tax non-compliance behaviour in Sub-Saharan Africa (SSA): An insight from Nigeria. *Cogent Business & Management*, 8(1), 1938930. <https://doi.org/10.1080/23311975.2021.1938930>



БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СОЛИҚ ТАДБИРЛАРИ - ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ СИФАТИДА

Кузиева Наргиза Рамазановна -
Тошкент молия институты
«Солиқлар ва солиққа тортшиш»
кафедраси мудири, и.ф.д., проф.

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a42

Аннотация. Мақолада юксалишининг муҳим гарови сифатида бизнес тараққиётининг солиқ тадбирлари ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари, Ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда солиққа тортшиш амалиётида бизнес тараққиётини таъминловчи ўзгаришилар ва улар илк самаралари таҳлили кўриб чиқилган. Янги Ўзбекистон шароитида соғлом ва адолатли рақобатга асосланган иқтисодиётни шакллантириш жараёнларини тезлаштириш ва иқтисодиётда хусусий секторни жадал ривожлантириш устуворлиги бизнесс тараққиётининг солиқ тадбирлари концептуал асосларини такомиллаштиришини талаб этади.

Калим сўзлар: бизнес тараққиёти, солиқлар, солиққа тортшиш амалиёти, айланмадан олинадиган солиқ, бизнесга солиқ юки, солиқ рағбатлари, солиқ дастаклари.

НАЛОГОВЫЕ МЕРЫ РАЗВИТИЯ БИЗНЕСА – ВАЖНАЯ ГАРАНТИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

Кузиева Наргиза Рамазановна -
заведующая кафедрой "Налоги и налогообложение"
Ташкентский финансовый институт, д.э.н., проф.

Аннотация: В статье рассматриваются текущие характеристики и проблемы налоговых мер развития бизнеса как важного залога роста, изменения в налоговой практике нашего правительства в последующие годы, обеспечивающие развитие бизнеса, и анализ их первых результатов. В условиях нового Узбекистана приоритет ускорения процессов формирования экономики, основанной на здоровой и справедливой конкуренции и быстром развитии частного сектора в экономике, требует совершенствования концептуальной основы налоговых мер развития бизнеса.

Ключевые слова: развитие бизнеса, налоги, практика налогообложения, налог с оборота, налоговая нагрузка на бизнес, налоговые льготы, налоговые рычаги.

TAX MEASURES OF BUSINESS DEVELOPMENT - AS AN IMPORTANT GUARANTEE OF GROWTH

Kuzieva Nargiza Ramazanovna -
Head of the Department of Taxes and Taxation
of Tashkent Institute of Finance, DSc, prof.

Annotation: The article examines the current features and problems of tax measures of business development as an important guarantee of growth, the changes that our government has made in the practice of taxation in the following years, and the analysis of their first results. In the conditions of the new Uzbekistan, the priority of accelerating the processes of forming an economy based on healthy and fair competition and the rapid development of the private sector in the economy requires the improvement of the conceptual basis of tax measures for business development.

Keywords: business development, taxes, taxation practice, turnover tax, tax burden on business, tax incentives, tax levers.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 январь 2019 йилдаги №5614-сонли Фармони асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иктисодий комплекс ривожлантириш концепция”сида бизнес тараққиётининг солиқ тадбирларига алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, қулай инвестиция муҳити ва жозибали инвестиция муҳити яратишга, адолатли рақобатни ривожлантиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланишини рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бундай ёндашув, биринчи навбатда, республикамиз иқтисодиётида хусусий секторни жадал ривожлантириш устуворлиги билан изоҳланади.

Охирги 5 йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли Жаҳон банки ва “Бизнес юритиш” халқаро молия корпорацияси рейтингидага Ўзбекистон жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 146-үриндан 76-ўринга кўтарилиди [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ж.М.Кейнснинг концепциясига кўра, солиқлар фискал функциясидан ташқари иқтисодиётни тартибга солиш, рағбатлантириш ва даромадларни бошқариш воситаси функцияларига эга, солиқнинг бу функциялари уни иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий барқарор ўсишини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади [2].

Неокейнслик йўналиши вакиллари бўлган Р.Харрод, Н. Кальдор, А. Хансен ва П.Самуэльсонларнинг фикрига кўра, солиқлар иқтисодиётни тартибга солиш функциясига эга. Улар солиқ ставкаларини ўзгартириш ва турли имтиёзлар бериш йўли билан бу функцияни бажариш мумкин деб ҳисобладилар [3].

Солиқ Кодекси, бошқа қонуности ҳужжатларда “бизнес тараққиётининг солиқ тадбирлари”, “солиқ рағбатлари” тушунчаларига таъриф берилмаган ҳамда улар самарадорлигини баҳолаш тартиби белгиланмаган. Шу билан бирга, иқтисодий адабиётда бизнес тараққиётининг солиқ тадбирлари, солиқ рағбатларини таърифлашда ягона ёндошув йўқлигини кўришимиз мумкин. Хориж адабиётларида ушбу категория негизида аксарият ҳолларда давлат стратегик солиқ менежментининг муҳим баҳоловчи кўрсаткичи тушунилади. Жумладан, Каролла Песцино ва Рикардо Феночиетто тадқиқотларида қайд этилишича, бизнес тараққиётининг солиқ тадбирлари мамлакатда амал қилувчи молиявий қонунчилик асосида корхона солиқ тўловлари, имтиёзлари ва амалдаги солиқ режимидан самарали фойдаланиш асосида бизнес тараққиёти учун давлат томонидан яратилган шароитлар ҳисобига солиқ тушумлари реал ижроси ҳамда давлатнинг солиқли даромадлар асосидаги мо-

лиявий имкониятлари истиқболлари тушунилади [4].

Жорж Чун-Ян Куо бизнес тараққиётининг солиқ тадбирлари ҳозирги замон шароитида давлат томонидан иқтисодий ўсишини таъминлашнинг солиқ дастаги деб қараб, бунда солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш ёки давлатнинг даромад олиш қобилияти баланси эътиборда бўлиши лозимлигини таъкидлайди [5].

Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодий адабиётда бизнес тараққиётининг солиқ тадбирларини назарий асослашда бир неча илмий ёндошувлар мавжуд:

Баъзи муаллифлар томонидан эса “бизнес тараққиётининг солиқ тадбирлари солиқнинг тартибга солиш функциясидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи” сифатида тушунтирилади [6]. Бу тушунчани қонунчилик асосида белгиланадиган солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларининг бажарилиши сифатида таърифлаш, ҳамда маълум бир давр ичida солиқ тўлаш мажбуриятлари миқдорига келиб тушадиган солиқ тўловлари миқдори нисбати тарзида ифодалаш мумкин.

Бир қанча муаллифлар “бизнес тараққиётининг солиқ тадбирлари моҳиятини давлат, солиқ органлари тартибга солиш фаолиятининг кўрсаткичи” сифатида эътироф этганлар [7].

Умуман, солиқка тортиш амалиётига оид иқтисодий адабиётда ва муаллифларнинг илмий чиқишиларида бизнес тараққиётининг солиқ тадбирлари мазмуни сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити, хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса, давлатимиз томонидан олиб борилаётган соҳа фаолиятини ривожлантиришга доир ислоҳотлар эса, уларнинг олдидаги мавжуд тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш корхоналар фаолияти барқарорлигини таъминлаш ва янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мутасадди давлат органлари, муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органларининг устувор вазифасига айланди. Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида, ўтказилаётган йиғилишларда жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташабbusларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куватлашга устувор аҳамият бериш зарурлигини таъкидлайди. Шунингдек, янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни

елкамизда күтаришимиз керак, – деган фикрлари тадбиркорларимизга ғуур ғана ифтихор бағишишламоқда.

Сўнгги олти йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар, меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Уларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 бараварга қисқартилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди. Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётгандарни фаолиятини кенгайтиromoқда. Тадбиркорлар сони охирги йилларда 3 баравар ошиди. Кўп ишбильармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шаклана бошлади.


Охириги йилларда тадбиркорлар тўлайдиган солиқ турлари сони қисқартирилиб, аҳоли ва

бизнес тузилмалари солиқ имтиёзлари кенг кўлланила бошлади. Айрим йигимлар 5 бараваргача камайтирилди. Яшил энергетикадан фойдаланаётган солиқ тўловчиларга 10 йилга қадар имтиёзлар берилди. Мамлакатимизда қўшимча қиймат солиғи (КҚС) миқдори 15 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги асосий солиқ – айланмадан олинадиган солиқ ҳисобланади ва унинг маъмуриятчилигини та-комиллаштириш бизнес тараққиётининг солиқ тадбирлари тизимида муҳим ўрин эгаллади.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумлар 2022 йилда 2,5 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 863,3 млрд сўмга ёки 52,3%га ошиди.

Шунингдек, айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар сони 2022 йилда 330,7 мингтани ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 24,1 мингтага ёки 7,3%га ошиди. Айланмадан олинадиган солиқ тушумларининг худудлар кесимидағи таҳлилига кўра, Тошкент шаҳрининг улуши энг юқори – 31,7%ни ташкил этди.



1-расм. 2022 йилда худудлар кесимида айланмадан олинадиган солиқ тушумлари (млрд.сўм).

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумларнинг ўсишига иқтисодий ўсиш, солиқ органларида замонавий ахборот технологияларини, хусусан онлайн НҚМ, “кеш-бэк” ва “солиқ ҳамкор” тизимларини жорий этилиши ижобий таъсир кўрсатди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машинаси ҳамда виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишини ва аниқлашни таъминловчи маҳсус қурилмаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини айланмадан олинадиган солиқ базасидан чегириш имконияти

берилганлиги натижасида 17 539 та солиқ тўловчилар ихтиёрида 16,8 млрд сўм маблағ қолди.

Мамлакатимизда икки йилдан бўён давлатимиз раҳбарининг август ойида тадбиркорлар билан ўтказаётган очиқ мулоқотларидан бир қатор енгилликлар бериладиган бўлди. Тўғри, ўтказилган сўровларда 62 фоиз тадбиркорлар солиқ соҳасидаги ислоҳотларни ижобий баҳолаган. Аммо соҳада бизнесга ортиқча аралашиш ва коррупция ҳолатлар йўқ эмас. Энди бу тизим тубдан ислоҳ қилинади, солиқ идоралари ходимлари ёндашувлари бутунлай ўзгартирилди.

2023 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятлари-

дан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратиладиган бўлди. Жумладан, тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган 26 та туман – 1-тоифага; инфратузилмаси яхши бўлган 46 та туман – 2-тоифага; шароити нисбатан қониқарли бўлган 76 та туман – 3-тоифага; жозибадорлиги етарли бўлмаган 40 та туман – 4-тоифага; шароити оғир бўлган 20 та туман – 5-тоифага тўғри келади. Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланиши белгиланмоқда. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади. Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдорида белгиланди. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва молмулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Якка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади. Худди шундай, бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пасайтирилган фоиз ставкаларини кўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш каби бир қатор енгилликлар берилади. Солиқ маъмуриятчилиги ҳам соддалашди.

Гап шундаки, ҳозирги тадбиркорларни хавф туруҳига киритиш тизими ёпиқ бўлиб, интизомли солиқ тўловчилар ҳам қайсиdir ҳамкори қачонлардир хато қилган бўлса, унинг учун ҳам жавоб бераётганди. Ўтказилган сўровларда қўшилган қиймат солиғи тўловчиларнинг 70 фоизи ушбу солиқни қайтаришда солиқ узилиши коэффициентини кўллаш, яъни “tax-gap” тизими адолатсиз эканини билдирган. Солиқ тизимидағи коррупция билан боғлиқ шикоятлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани ҳам айнан “tax-gap” билан боғлиқ. Энди, 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини қайтаришда солиқ узилиши коэффициентини кўллаш амалиётини, яъни “tax-gap” бекор қилинди.

Шу билан бирга, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман соҳа вакиллари билан бирга тадбиркорларнинг очиқ-ошкора рейтингини жорий қиласди. Бунда келгуси йил 1 январдан бошлаб, рейтинги юқори корхоналар барча турдаги солиқ текширувларидан озод қилинади, уларга қўшилган қиймат солиқининг ортиқча қисми бир кунда қайтариб берилади, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси гувоҳномасини вақтингчалик тўхтатиб туриш амалиёти бекор қилинади. Камерал назорат “солиқчининг куроли” эмас, балки тадбиркорга ҳатосини кўрсатиб, уни тўғирлашга ёрдам берадиган жараён бўлиши кераклиги давлатимиз раҳбари томонидан бежиз тилга олинмади. Чунки камерал назорат тўлақонли солиқ текширувига айланиб кетган ва бу

коррупцияга ҳам йўл очиб беряпти. Энди камерал назоратда тадбиркордан хужжат талаб қилиш ёки уни идорага чақириш қатъиян тақиқланади.

Бундан ташқари, солиққа оид битта хукуқ-бузарлик учун тадбиркор сифатида молиявий жарима, жисмоний шахс сифатида маъмурий жарима кўлланмоқда эди. Энди бундай амалиёт бекор қилинади.

Умуман, тадбиркорларга кўлланаётган жарималар улар фаолиятининг тўхтаб қолишига сабаб бўлмаслиги зарур. Шу нуқтаи назардан, уч ойда барча молиявий санкциялар қайта кўриб чиқилиб, адолатли меъёрлар белгиланади. Тадбиркорнинг солиқ идоралари билан бўладиган барча низолари маъмурий суд ваколатига ўтказилади. Тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри судга шикоят қилишидаги ҳар қандай чекловлар ҳам олиб ташланади.

Шу ўринда бир масалага эътиборни қаратмоқчиман. Қонун доирасида ишлайдиган солиқ тўловчилар фаолиятида текширишлар кескин қисқарди. 2023 йилнинг олти ойида текширишлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40 фоиз ёки 104 мингтадан 64 мингтага камайган. Яъни, тадбиркорлар тўғри ишлаш “сояда” ишлашдан кўра афзал эканини тушуниб етмоқда. Шунинг учун ҳам солиқ ҳисоботларини топшириш ва камерал текшириш натижалари бўйича молиявий жарималар кўллаш бекор қилинди. Умуман, ўтган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 мингтага кўпайиб, 490 мингга, ўрта тадбиркорлар сони 2 мингтага ошиб, 10 мингга етди. Йирик корхоналар сони эса бир йилда 400 тага кўпайиб, 1,5 мингта бўлди.

Шунинг учун бундан кейин тадбиркорларга енгилликлар яратилаверади. Президентимиз таъкидлаганидек, худудлардаги Кичик бизнес марказларида ўқиган тадбиркорларнинг лойиҳаларини энг қулай шартлар асосида молиялаштириш йўлга қўйилади. Бунда кичик бизнес лойиҳасининг 10 фоизига тадбиркор инвестиция кири́са, 45 фоизига “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг ўзи, қолган 45 фоизи учун давлат кўмагида ресурс йўналтирилади. Лойиҳани амалга оширишда қўшимча ресурсга эҳтиёжи бор корхоналарга мавжуд кредиттга қўшимча маблағ ажратишга рухсат берилади. Бунинг учун йилига қўшимча 1 триллион сўм ажратилади. Шунингдек, лойиҳа доирасида олиб кириладиган асбоб-ускунани суғурталаш, хомашё ва материалларни сертификатлаш харажатлари марказлар томонидан қоплаб берилади. Умуман, дастурда иштирок этаётган кичик бизнес корхоналари фаолиятини уч йилгача текширишга йўл қўйилмайди. Албатта, банк ҳам, марказ ҳам янги лойиҳа даромад келтириб, тадбиркор фаолияти ривожланишидан манфаатдор бўлиши зарур. Шунинг учун,

янги кичик бизнес лойиҳаси ишга тушгач, икки йил давомида улардан тушадиган барча солиқлар “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг айланма маблағи учун ўтказиб берилади. Яъни, тадбиркор қанча кўп даромад топишидан банк манфаатдор бўладиган тизим яратилади. Мақсад – бир йил ичидаги 150 мингта кичик бизнес субъектини “оёққа турғизиш”, камидаги 25 мингтасини ўрта корхоналарга айлантириш, соҳада 250 мингта янги доимий иш ўрни яратишдан иборат.

Хуласа ва таклифлар.

1.Ўзбекистонда солиқ тизимини эркинлаштиришни изчиллик билан амалга ошириш пировардида бюджет тизими бюджетларининг тегиши молиявий маблағ билан таъминлашда илфор хориж тажрибасини чуқур ўрганиш, уларнинг ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини тўғри баҳолаган ҳолда “ўзбек модели” тамойилларига мос ҳолда истиқболда солиқ тизими тараққиётининг устувор йўналиши бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунда шуни алоҳида эътибор қаратиш керакки, ривожланган давлатларда иқтисодиёт асосан ишлаб чиқаришга таянади, яъни иқтисодиёт бир мунча саноатлашган, республикамизда бу борада ислоҳотларни амалга оширишда ана шу жиҳатни эътибордан қочирмаслик керак, шунингдек, ривожланган давлатларда “вижданли” солиқ тўловчилар деган ибора оммалашган. Шу ҳисобдан олиб қараганда республикамизда қонунчиликда, солиқ тўловчилар ўртасида мазкур тушунчани оммалаштириш борасида ишларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ

бўлади. Албатта, мазкур ҳолатда миллий иқтисодиётимиз хусусиятларини, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини, аҳолининг меҳнат маданиятини, иш ҳақи тўлови даражаси ва шартшароитлари каби омилларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

2.Қўйидаги йўналишларда бизнес тараққиётининг солиқ тадбирлари таъсирчанлигини ошириш мамлакат иқтисодиётни ривожида ўзининг ижобий натижасини беради: ресурсларни оптимал тақсимлаш; давлат даромадини ошириш; аҳолининг даромадларини ошириш; инвестицион фаолликни рағбатлантириш; барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш; нархнинг турғунлигини сақлаб туриш; миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш; инфляция даражасини жиловлаб туриш; тўлиқ бандликка эришиш ва уни ушлаб туриш.

3. Солиқлар солиқ тўловчиларнинг ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда тўланишини асослайдиган бўлсак, А.Смит таъбирича, “солиқларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати”дир. Шу боис, солиқ тўловчилар эркин яшаши, фаолият юритиши шунингдек, уларнинг тўлаётган солиқлари келажакда ўзига қайтиши – манфаатдорликнинг инобатга олинаётганлиги тасдиғидир.

4.Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган солиқ сиёсати - аҳолининг оғирини енгил қилиш, тадбиркорларга имтиёзлар бериш орқали янги иш ўринлари яратиш ва провардида халқимизнинг фаровонлигига эришишга қаратилган.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муталимова П.М. Урегулирование налоговой задолженности: комплексное решение // Российское предпринимательство. 2022. №22 (425). – с. 190-194; Гираев В.К. Комплексный подход к урегулированию налоговой задолженности // Казанская наука. 2021 №3. - с. 44-46.
2. Ниязметов И. Солиқ юкини оптималлаштириши: назария, услугият ва амалиёт. Монография. – Тошкент: Молия, 2016. – 192 б
3. Санакурова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортни механизми таомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Докторлик диссертацияси автореферати – Т.: 2016., - 30 б.
4. Pessino, C., & Fenochietto, R. (2021). Determining countries' tax effort.
5. Kuo, C. Y. Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity./ C. Y. Kuo//JDI Executive Programs.- 2021. – №. 2021-08.- 34р.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 январь 2019 йилдаги №5614-сонли Фармони “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепция”си.
7. Савинов И.Т. Налоговая задолженность: проблемы администрирования и пути регулирования // Региональные проблемы преобразования экономики. 2013. №3 (37). – с.210-213; Сирајудинова С.И. Повышение эффективности налогового администрирования на современном этапе. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н.. Владикавказ, 2017, с.7.
8. Kuzieva N.R. Forms and Methods of Interaction Between Subjects of Innovation Activity in Regional Innovation Systems.Miasto Przyszlosci, Kielce 2023. Vol. 33 (2023): Impact Factor: 9.2., P. 4-8.
9. Kuzieva N.R. The importance of tax benefits and preferences in measuring the negative effects of the coronavirus pandemic and global crisis on the economic sectors. Journal of Contemporary Issues in Business and Government. (Web of Science), Vol. 27, No. 1, (2021), P-ISSN: 2204-1990; E-ISSN: 1323-6903, pp. 977-984, <https://cibg.org.au/>.
10. Кузиева Н.Р. Пути совершенствования налогового механизма для субъектов малого бизнеса и предпринимательства в Республике Узбекистан. Журнал об экономических науках «Бенефициар», 24 июня 2019 г. ББК Ч 214 (2Рос-4Ке)73я431, ISSN 2500-3798, стр.31-36.